

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

САМИМИЙ
КУТЛОВЛАРЎзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунини муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Корея Республикаси халқи номидан самимий кутловлар йўллаш менга гоят улкан мамнуният бахш этади.

Яқинда Пекиндаги Олимпиада ўйинлари вақтида бўлиб ўтган учрашувимизни мамнуният билан эсламан. Ишончим комилки, бизнинг дўстлигимиз ва ўзаро ишончимиз давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама алоқалар ҳамда турли соҳалардаги ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ, буюк мамлакатингизга бахт-саодат ҳамда табриқ тилаб йўллаган энг эзгу истакларимни қабул қилгайсиз.

Ли Мёнг БАК,
Корея Республикаси ПрезидентиЎзбекистон Республикаси
мухтарам Президенти

Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Сиз, Жаноби Олийларини, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқини мамлакатингизнинг Мустақиллик кунини муносабати билан чин дилдан табриқлайман.

Илдизи халқларимизнинг узок ўтмишдаги маданий ва тарихий алоқаларига бориб тақалувчи мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона ва яқин муносабатлар давлатларимиз ва минтақадаги халқлар манфаати йўлида бундан кейин ҳам ўзаро ҳиммат ва саяё-ҳаракатлар билан барча соҳаларда кенгайиб бораверади, деб умид қиламан.

Худованди каримдан Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига эса фаровонлик ва бахт-саодат тилаб қоламан.

Маҳмуд АХМАДИНЕЖОД,
Эрон Ислам Республикаси ПрезидентиЎзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳу!
Давлатингиз Мустақиллиги кунини муносабати билан Саудия Арабистони халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига самимий кутловларим ва энг эзгу тилақларимни йўллашдан гоят мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларига сийҳат-саломатлик, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига эса доимий тараққиёт ва равнақ тилайман.

Самимий эҳтиром ила,
БиродарингизАбдуллоҳ бин Абдулвазз ОЛ САУД,
Икки муқаддас масжид ходими,
Саудия Арабистони ПодшоҳиЎзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,
Мамлакатингизнинг миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон Республикаси халқига Қатар давлати халқи ва шахсан ўз номидан самимий табриқлар ва эзгу тилақлар йўллашдан гоят мамнунман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар келгусида янада мустаҳкамланишига умид билдириб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, дўст Ўзбекистон халқига бардавом равнақ ва фаровонлик тилаб қоламан.

Камоли эҳтиром ила,

Ҳамад бин Халифа ОЛ СОННИЙ,
Қатар Давлати АмириЎзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳу!
Мустақиллик байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини ва Сиз орқали дўст Ўзбекистон ҳукумати ва халқини самимий муборакбод этиб, эзгу тилақларимни йўллашдан мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, Фаластин халқи ва шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ҳамда мамлакатингизга янада тараққиёт ва равнақ тилаб қоламан.

Маҳмуд АББОС,
Фаластин озодлик ташкилати Ижроия қўмитаси раиси,
Фаластин миллий маъмурияти раисиЎзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

1 сентябрь — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунини муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари ва биродар Ўзбекистон халқига ўзининг энг эзгу тилақларим ва самимий табриқларимни йўллашдан мамнунман.

Афғонистон Ислам Республикаси халқи биродар Ўзбекистон халқини ушбу шодиёна айём билан кутлайди ва мамлакатларимиз ўртасида чуқур тарихий, маданий ва диний ришталар ва муштаракликларга эга бўлган алоқаларнинг янада ривожланиши ва мустаҳкамланишини истади.

Сиз, Жаноби Олийларига сийҳат-саломатлик ва биродар Ўзбекистон халқига саодат ва тараққиёт тилайман.

Ҳамид КАРЗАЙ,
Афғонистон Ислам Республикаси ПрезидентиЎзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари,
Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами - Мустақиллик кунини муносабати билан самимий кутловларим ва энг эзгу тилақларимни қабул қилгайсиз.

Венгрия Европа Иттифоқига аъзо давлат сифатида ҳам Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ўрнатилган манфаатдордир. Биз Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларда эришилган ютуқларни кутлаймиз. Ишончим комилки, биз ўзаро саяё-ҳаракатлар тўғрисидаги муносабатларимизни ривожлантириш йўлида муваффақиятларга эришаверамиз.

Сизга бўлган чуқур эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

Доктор Ласло ШОЙОМ,
Венгрия Республикаси Президенти

МОДЕРНИЗАЦИЯ:

ишга унум беради,
маҳсулот сифатини яхшилайд

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш корхоналарида иш сифати ва унумдорлиги


ни ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш муҳим аҳамият касб этади. Ана шу тамойилни ҳисобга

олган ҳолда мамлакатимизда корхоналарга хориждан замонавий технологияларни киритишга асосий эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўз навбатида маҳсулот сифатининг яхшиланишига, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғаси остида чет эллик харидорларнинг кўпайишига олиб келапти.

Беш мингдан ортиқ ишчи-хизматчини бирлаштирган «SPENTEX TASHKENT TOYTERA» масъулияти чекланган жамияти ҳам тўлиқ янги технологиялар билан жиҳозланган ана шундай имкониятга эга бўлди. Йилига

40 минг тонна пахта хомашёсини қайта ишлаш қувватига эга бўлган бу корхона айни пайтда тармоқнинг пешқадами ҳисобланади. Шунинг алоҳида эътирофи эиш жозик, модернизация корхонанинг янги имкониятларини юзага чиқарди. Маҳсулотларининг харидорлиги ортди. Калава иплар ҳамдўстлик мамлакатлари эътиборини тортиди. Янги ҳамкорликнинг юзага келишига йўл очди. «SPENTEX TASHKENT TOYTERA» масъулияти чекланган жамияти дунёга чиқди. Бу ҳам шубҳасиз истиқлол шарофатидандир.

Мустақиллик бутун Ўзбекистонда бўлгани каби мазкур корхонада ҳам янги имкониятларни юзага келтирди. Бу ерда биринчи оми — модернизацияга қаратилди. Ўз истиқболлини замонавий техника ва технологиялар билан боғлаган жамоанинг сифатли, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариши учун энг аввало ана шу зарур эди. Ҳозир цехларда бўлсангиз бир-биридан серунум дастгоҳларда ишлаётган ёшларни кўриб кўзингиз қувнайди. Улар чет эл технологияси билан бемалол тиллаша олишади, юксак унум билан ишлатишади. Тайёрлаган маҳсулотларида — "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деган ёрликнинг борлиги, ўз меҳнатлари самараси тўғрисида корхона маҳсулотларининг дунёнинг қатор мамлакатларига экспорт қилинаётганлиги ҳар бирига алоҳида гурур, фахр-ифтихор бағишлайди.

Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,
"Адолат" мухбири.
Носир ҲАЙДАРОВ
олган сурат.ЯНГИ
КОРХОНА

Истиқлолнинг 17 йиллик байрамини ананжонликлар янги барпо этилган кўпмаб иншоотлар, саноат корхоналари билан қарши оламан. Избоскан туманида янги очилган "Пойтутекс" Ўзбекистон — Британия қўшма корхонасининг лойиҳа қиймати 11 миллион 167 минг АҚШ долларини ташкил қилди. Бу ерда Германия, Бельгия, Хитой каби ривожланган давлатларда ишлаб чиқарилган, иш унуми юқори бўлган замонавий дастгоҳлар ўрнатилди.

Корхона йилига 4200 тонна калава ип, трикотаж матоси ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Унда тайёрланган маҳсулотнинг 80 фоиздан кўпрогини хорижа экспорт қилиш режалаштирилган. Шунингдек, бу ерда 120 та янги иш ўринлари ташкил қилиниб, жами ишловчилар сони 400 нафарга етказилди.

Азамат МАҲМУДОВ,
"Адолат" мухбири.

Истиқлол берган имкон

Дил изҳори

АЙЁМЛАРИ ЎЗИГА
ЯРАШГАН ЮРТИМ

Қалбларимизда чексиз фахру ифтихор туйғуларини ўйлаб қайта кўраётган энг азиз байрамимиз — Мустақилликнинг 17 йиллигини эър қайғиёт, кўтаринки руҳда ўтказдик. Айём шукурчи ҳаммамизда азиз Ватанимизга бўлган меҳру муҳаббатимизни янада оширди. Шундай озод ва обод юртининг фарзанди эканлигимиздан чексиз фахрландик.

Мустақиллик Ватанимизнинг бугунги тараққиётида ўзининг буй-бастини тўла намоён этиб турибди. Хар соҳада қилинган ўшқин меҳнатнинг самараси, бунёдкор халқимизнинг яратувчанлиги салохияти намоён. Ўртбошимиз раҳбарлигида жонахон Ўзбекистонимизни янада яшнатиш иштиёқида қилинаётган улкан бунёдкорлик ишларининг қисси йўқ. Барпо этилаётган маҳаббатли ва муҳташам иншоот-иморатлар, қосоналар элимиз хизматида. Шу даврда нимаики қилинган бўлса, ҳаммаси халқ учун бўлди. Мана, ўзига ҳар кунини минглаб юртдошлар

римизни ва чет эллик меҳмонларни қорлаб турган муаззам Мустақиллик майдонини олайлик. У юртимизнинг юрагига айланиб бугунги кунда ҳар қандай одамни мафтун этмоқда. Майдонни кезар эканман, гулгун чехралари истиқлол нуридан нурафшон бўлган юртдошларимиздаги кўтаринки қайғиётни кўриб ҳурриятга, истиқлолга бўлган меҳрим янада ортди. Шундай юртни севмай бўладими, ахир!

Ўзим қишлоқ фарзандиман. Байрам кунлари пойтахтда бўлдим, истиқлол тантаналарида қатнашдим. Айёмлари ўзига ҳўп ярашган юртимиздаги бу бетакор шодиёналар қалбимда бир умр муҳрланиб қолди. Теварагимизда катта-ю ёш бахтиёр чехралари кўриб, шундай қуларга етганимизга шуқроналар айладим. Бу бахт бизни асло тарк этмасин. Мустақиллигимиз абадий бўлсин.

Худойберди ШАМШИЕВ,
Бесқобул туманидаги
"Азамат-Шерзод"
муқобил машина-трактор
парки комбайн оператори.

Хушхабар

САРВИНОЗ —
ОСИЁДА ИККИНЧИ

Эрон пойтахти Техрон шаҳрида 8—18 ёшли болалар ва ўсмирлар ўртасида шахмат бўйича Осиё чемпионати якунланди. Ўзбекистон терма жамоасининг аъзоси, тўрт карра мамлакат чемпиони юртдошимиз сирдарёлик Сарвиноз Қўрбонбоева мазкур нуфузли мусобақада муваффақиятли қатнашиб, 14 ёшли қизлар ўртасида энг кучлилардан бири эканлигини амалда исботлади. У қизларнинг кучли ёш шахматчилари ўртасида 2-ўринни эгаллаб, қумуш медалга сазовор бўлди.

Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида Хиндистон ва Эрон спортчиларидан кейинги учинчи ўринга кўтарилди.

Эркин САНДОВ.

2008 йил — Ёшлар йили

ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР —
КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОРбу йил мамлакатимиз бўйича 491 минг нафардан зиёд
ўғил-қизлар мактаб оstonасига илк бор қадам қўйди

Ватан тараққиёти, миллат истиқболи шу заминда ўсиб-ўлғаяётган ўғил-қизлар қамоли билан боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда ёш авлоднинг пухта билим олиши, касб-хунар эгаллаши, бир сўз билан айтганда, ҳар жи-

ҳатдан етук инсонлар бўлиб-вояга етишлари учун барча шарт-шароитларни муҳайё этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу юксак эътибор, аввало, республикамизнинг барча ҳудудларида янгидан барпо қилинаётган ёхуд қайта таъмирла-

ниб, реконструкция қилиниб замонавий кўриниш касб этаётган умумтаълим мактаблари мисолида яққол намоён бўлаётди.

4-бетда ўқинг

Фаолият

МИЖОЗЛАР КЎПАЙИБ, ДАРОМАД ОРТМОҚДА

Бугунги ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимизда аҳолининг кам таъминланган қатламларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Шунинг учун жойларда қариялар, ёлғиз ногиронлар, қўйингли, аҳолининг барча кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор қаратишмоқда. Бу ҳеч қандай йўқотишларсиз бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Самарқанддаги "Самарқандгўштсавдо" ОАЖ улгуржи худудий базаси ҳам бугун ўз олдига ана шундай эзгу мақсадни қўйган. Корхона ташкил этилганига ҳали унча кўп вақт бўлмаса-да, етказиб берилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари билан вилоят аҳолисининг ишончини қозониб, миҳозлар сонини кун сайин орттириб беришга ҳаракат қилинмоқда.

Бундан, албатта, корхонанинг ўзи яхшигина даромад олаётди. Қолаверса, бу давлат бюджетига тушадиган солиқларнинг кўпайишига ҳам катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Биргина 2007 йилнинг ўзида товар ва маҳсулотлар сотиш ҳажми 1,24 миллиард сўмдан 6,69 миллиард сўмга ортди. Ҳар бир хо-

димга нисбатан соф даромад 406 минг сўмдан 1 миллион 969 минг сўмга кўпайди ёки 384 фоиз ўсиш таъминланди. Айниқса, дебитор қарздорликни бартараф этиш борасида қилинган ишлар тахсинга лойиқ. Ўтган қисқа давр ичида дебитор қарздорлик 7,2 фоиз камайишига эришилди.

Бу ютуқлар замирида, албатта, корхонада ишнинг

тўғри ташкил этилгани, қолаверса, жамоанинг бир ёқадан бош чиқариб, баҳам-жиҳатликда иш олиб бораётгани ётибди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корхона ва ташкилот раҳбарига фақатгина раҳбарлик қобилияти камлик қилади. Бугунги раҳбар ишбилармон ва тadbиркор бўлиши – давр талаби. Ана шунда корхонанинг ўз олдига қўйган мақсад-муд-доаларига эришиши осонлашади, ҳодимларнинг моддий манфаатдорлиги ошади. Бу ўз-ўзидан кўрсатилаётган хизматлар ҳажмининг орттишига, маҳсулот сифатининг яхшиланишига муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ташкилот раҳбари Асад Мусаев ҳам ана шундай тиниб-тинчимас ва изланувчан киши. Масалан, у вилоятнинг барча худудларида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжи устида маркетинг тадқиқотлари ўтказилишида ўзи бош-қош бўлди. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, қўшимча равишда корхонага қарашли 10 та махсус савдо шохбаси фаолияти йўлга қўйилди.

Дарвоқе, акциядорлик жамиятида ишлаб чиқаришга инвесторларни жалб қилиш, улар маблағидан сар-

марали фойдаланиш ҳам яхши самара берапти. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, аҳоли фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган жамиятга эзгу ниятли акциядорларнинг беғараз ёрдамлари корхонанинг рентабеллигини таъминлашда қўл келаяпти. Жумладан, энг катта акциядорлардан бири саналган "Нохид" масъулияти чекланган жамияти 2006 йили жамиятга мuddати чекланмаган даврга 66 миллион сўмдан зиёд инвестиция киритди. Шунинг ҳисобига асосий цехлар, ускуналар таъмирланди, кенг ҳажмдаги товарларни музлаткичларда сақлаш имконияти туғилди.

Олтин олма, дуо ол, деган пурҳикмат нақлини дастуриламалга айлантириб олган жамияти ишчи-ҳодимлари аҳолини арзон ва сифатли ўсимлик ёғи ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида савдо шохбасларига корхонага қарашли транспорт воситалари орқали ўз вақтида етказиб беришмоқда. Бундан барча бирдек мамнун бўлмоқда.

Олим ҲАКИМОВ,
"Адолат" мухбири.

ТАДБИРКОР САХОВАТИ

Улуғнор туманида истиқомат қилувчилар хусусий тадбиркор Қосимжон Қобуловни саховатпеша инсон сифатида қадрлашади. Сабаби – у ҳар бир ишда ҳозир нозир, одамлардан мурувватини аямайди. Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги кенг нишонланаётган айни дамларда у ўзи истиқомат қилаётган қишлоқ аҳли учун яна бир совға ҳозирлади.

Гап шундаки, тадбиркорнинг ташаббуси билан тўрт мингдан зиёд аҳоли яшайдиган қишлоқда барча қулайликларга эга бўлган маҳалла маркази мажмуаси қад ростлади. Мажмуада қишлоқ аҳолиси учун зарур бўлган сар-тарошхона, нонвойхона,

гўшт ва озиқ-овқат дўкони, чойхона ҳамда майиш хизмат кўрсатишга ихтисослашган шохбачалар фаолият кўрсата бошлади.

Мазкур мажмуада канцелярия маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконча иш бошлагани айниқса, ота-оналар ҳамда болажонларни янада қувонтирди.

Энди қишлоқ аҳолиси дарслик, бадий адабиёт, дафтар, ручка ва бошқа зарур ўқув жиҳозларини харид қилиш учун ўнлаб километр йўл босмайди. Бундай то-варларни дўкончадан нисбатан арзон нархларда харид қилиш мумкин.

Ўз мухбиримиз.



Ўзбек халқининг миллий қадриятлари минг йиллар давомида шаклланиб келган ҳунармандчилик ишларида ўз ифодасини топади. Чунки азал-азалдан одамлар ўз орзу-умидлари, интилишлари ва тафаккурларини қилаётган ишларида акс эттиришга ҳаракат қилишган.

Қарши шахрининг "Чармгар" маҳалласида яшовчи Махфуза Турсунова қарийб тўрт йилдан буён миллий қадриятларимиздан бири бўлган каштачилик билан шуғулланиб келади. У тиккан дўппи, чопон, сўзаналар кўпчиликка манзур бўлмоқда. Қаршидаги "Янгибозор" масъулияти чекланган жамиятда қаҳрамонимиз тиккан каштадўзлик маҳсулотларининг ҳам салмоқли ўрни бор.

Носир ҲАЙДАРОВ
олган сурат.

“ЎЗУЛГҲРЖИСАВДОИНВЕСТ”

УЮШМАСИ

“Андижон гўшт-сут савдо”

ОАЖ худудий улгуржи базаси жамоаси

барча юртдошларимизни,
савдо ҳодимлари ва миҳозларини
истиқлолнинг 17 йиллиги
ҳамда Моҳи Рамазон билан
самимий қутлайди.

Ҳамюртларимиз дастурхони тўкин,
турмуши фаровон бўлаверсин!

Тинч ва осуда ҳаётимизга асло кўз тегмасин.

Истиқлолимиз боқий бўлсин!

ТАРИХДА ЎТГАН «ДЕНГИЗ ҲУКМДОРЛАРИ»:

Юлий Цезарь (мил. ав. 100-44),
Христофор Колумб (1451-1506),
Васко да Гама (тахм. 1460-1524),
Фернандо Магеллан (1480-1521),
Вильям Дэмпиер (1652-1715),
Султон Барбаросса II (1506-1556),
Гепри Морган (1635-1688).

ДҲНЁ КЎЗГҲСИ

НАВБАТ “ХАННА”ГА

“Густав” бўрони тезлиги пасайди.

26 август кунини Кариб оро-лидан бошланган бўрон се-кундида 36 метр тезлик билан ҳаракат қилиб, Гаити ороллари-ни вайрон этган, Доминикан республикаси, Ямайка ороллари-ни ҳам чет-

лаб ўтмади. “Густав” Куба қир-гоқларига ҳам етиб келди ва оқибатда мамлакатнинг гар-бий қисмидан 30 минг киши-ни эвакуация қилишга тўғри келди. АҚШ эса бундан-да кўпроқ чоралар кўрди. Бир-гина Янги Орлеандаги Луи-зиана туманидан 2 миллион киши эвакуация қилинди. Бу мамлакат тарихидаги энг йи-рик “кўчириниш” эди.

Ҳозир “Густав” бўрони тез-лиги пасайишда давом этмо-қда. Ҳабарларга кўра, минта-қада янги “Ханна” бўрони ҳаракатга кела бошлаган.

ЭНГ УЗУН КЎПРИК

Европадаги энг узун кўприк Гер-мания Дания билан боғлайди.

Икки мамлакат Балтика денгизи усти-дан ўтувчи кўприк қуриш ҳақида шартнома имзолади. Сиз суратда кўриб турган кўприкни қуриш учун 6,5 миллиард дол-лар маблағ сарфлаш кўзда тутилмоқда. Унинг узунлиги 20 километр. Агар маъкур лойиҳа муваффақиятли амалга оширил-са, бу иншоот Евро-падаги энг узун янги кўприк бўлади. Қури-лиш ишларини 2012 йилда бош-лаб, 2018 йилда якунига етказиш мўлжалланган.

МИТТИ СТАНЦИЯ ЯРАТИЛДИ

Ҳаракатланишдан электр энергияси ажратиб оладиган янги қурилма кашф қилинди. Кашфиёт муаллифи Канаданинг Барнаби шаҳридаги Саймон Фрезер уни-верситети мутахассиси Макс Донелан. Янги қурилмадан ажралладиган энергия у қадар катта эмас – бор-йўғи 5 кВт.ни ташкил этади. Албатта, бу энергия тушлик тайёрлаш учун камлик қилади, аммо қўл телефонни қувватлантиришга бемаълос етади. Қолавер-са, қурилмани синодан ўтказиш пайтида ўзига хос рекорд ҳам ўрнатилди: бир неча дақиқа-лик ҳаракатланишдан ўнла мобил телефони-ни қувватлантиришга муваффақ бўлинди.

Интернет ҳабарлари асосида
Ахбор АЛИМРАДОНОВ тайёрлади.

ЯНА НОМЗОДИНИ КЎЯДИ



Украина президенти Вик-тор Ющенко 2010 йилги президентлик сайловлари-да ўз номзодини қўйишни режалаштирмоқда.

Бу ҳақда “Бизнинг Украина” партияси депутати Олесь До-ний маълум қилган. “Прези-дент Ющенко иккинчи марта-ба ўтказиладиган сиёсий тад-бирга ҳозирлик кўрмоқда ва унда галаба қозонишга шубҳа қилмаяпти,” — деди О.Доний.

